Давлат органлари, банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаб бериш ва назорат қилишга ҳамда пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига нисбатан қонунда ёки шартномада назарда тутилмаган бошқа чекловлар белгилашга ҳақли эмас.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг уларга хизмат кўрсатаётган банклардаги ҳисобварақларида турган маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул маблағлари тарзида олиниши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида маълумот талаб қилиб олиш, шунингдек бундай маълумотларнинг банклар томонидан тақдим этилиши қонун билан тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар эса бундан мустасно.

Шундай экан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга

хилоф равишда тўхтатиб турганлик учун жавобгарлик белгиланиши мазкур соҳадаги ижтимой муносабатларни муҳофаза қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Жиноят кодексига тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $192^3$-моддасида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, модданинг биринчи қисмида, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига асосан, ўша ҳаракатлар а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмига асосан, ўша ҳаракатлара) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Мазкур жиноятнинг **махсус объекти** Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт соҳасини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг **турдош объекти** эса, тадбиркорлик фаолияти ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Шунингдек, жиноятнинг **бевосита асосий объекти**тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.



Ушбу ижтимоий муносабатлартегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тартиби,Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, 2012 йил 24 сентябрдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, 2012 йил 5 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конунлари ҳамда 1998 йил 19 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги, 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги,2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ушбу норманинг диспозициясида иккита мустақил алоҳида ҳаракат учун жавобгарлик белгиланган. Демак, мазкур жиноят объектив томондан:

- тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки);
- тадбиркорлик субъектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда**тўхтатиб** туришда ифодаланади.

Юқорида қайд этилган ҳаракатларнинг биротаси ҳар иккаласи бир вақтда содир этилиши билан жиноят тамом бўлган хисобланади. Ушбу жиноят таркиби **формал таркибли** жиноят хисобланади. Аммо, ушбу жиноятни оғирлаштирувчи таркиблари, иккинчи ва учинчи қисмларида миқдор билан боғлиқ қисмларида кўрсатилган жиноятлар **моддий таркибли** хисобланади.

Шахсни ЖК $192^3$-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортиш учун яна бир муқаррар шарт, бу унинг тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш учун маъмурий жазо қўлланганлиги ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўхтатиб ва тадбиркорлик субъектларининг банклардаги

ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ҳуқуқий таъсир чораларидан хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг $155^{13}$-моддасидаҳуқуқий таъсир чоралари турлари рўйхати келтирилган бўлиб, уларга – фаолиятнитугатиш, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш, **фаолиятни** чеклаш, **тўхтатиб туриш** ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни **тўхтатиб қўйиш**, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, молиявий жазо чораларини қўллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня ҳисоблаб чиқариш, шунингдек ташкилот ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига икрор бўлганлиги ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно, Хўжалик суди қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам қўллаши мумкинлиги белгиланган.

Ҳуқуқий таъсир чораларидан айнан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳамда тадбиркорлик субъектлари банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб турганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Жиноят қонуни мазмунидан келиб чиқиб, ҳуқуқий таъсир чораларини бошқа турларини қонунга хилоф равишда амалга оширганлик учун жавобгарликнинг бошқа турлари қўлланилиши тушунилади.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ариза (тақдимнома) назорат қилувчи орган томонидан фаолиятни тўхтатиш имконияти қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардагина берилиши мумкин. Фавқулодда ҳолатлар, эпидемия ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун реал хавф вужудга келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиш ҳоллари бундан мустасно.

Фаолиятни тўхтатиш тадбиркорлик субъекти томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузиш ҳолларида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чорасидир.



Тадбиркорлик субъекти томонидан унинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилинишига асос бўладиган ҳуқуқбузарлик содир этиш натижасида фаолият тўлиқ тўхтатилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги аризаларни (тақдимномаларни) суд кўриб чиқиб, талаб қаноатлантирилганда судлар қарорнинг хулоса қисмида фаолиятнинг қайси муддатга тўхтатилаётганлигини кўрсатишлари ёхуд у бажарилгунча фаолият тўхтатиладиган шартни белгилашлари лозим (лицензия, гувоҳнома олиш; камчиликларни бартараф этиш ёки стандартлар, нормаларга мувофиқлаштириш; тегишли назорат қилувчи органнинг кўрсатмасини бажариш ва бошқалар). Суднинг ушбу қарорини шикоят қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида ўрнатилган тартиб амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексинн 96-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суд қарори асосида амалга оширилши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аникланган ҳоллар бундан мустасно эканлиги белгиланган.

Ўз ўрнида, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси 8-бандига биноан солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинганда, солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритишни рад этганда, солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаганда, солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот тақдим этилмаганда солиқ хизмати органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари тадбиркорлик субъектларининг банклардаги ҳисобвaрақларини тўхтатиб туриш ташаббуси билан чиқишлари мумкин бўлади.

Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиш мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ талабларини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чорасидир.

Давлат органлари банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эгадир.

Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар фақат чиқим қисмида тўхтатилиши мумкин. Бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва

ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно.

Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиш ҳақидаги ариза (тақдимнома) қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳужжатининг хулоса қисмида операциянинг қайси муддатга тўхтатилишини кўрсатиш ёхуд у бажарилгунча операция тўхтатиладиган шартни белгилаши керак (молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлангунига ва унинг натижалари бўйича қарор қабул қилингунига қадар ва бошқалар), шунингдек банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатишга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг банкка ҳисобварақлар бўйича операцияларни тиклаш тўғрисида кўрсатма бериш лозим.

Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиш тўғрисидаги суд ҳужжати тадбиркорлик субъектининг ҳисобварағи мавжуд бўлган барча банклар учун мажбурийдир.

Шуни назарда тутиш лозимки, хўжалик суди томонидан хўжалик низоларини кўришда тадбиркорлик субъектининг пул маблағларига банд солиш (хатлаш) даъвони таъминлаш чораси ҳисобланиб, унинг бекор қилиниши масаласи Хўжалик процессуал кодексда белгиланган тартибга мувофиқ ҳал этилади.

Шунингдек, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкини хатлаши мумкин. Хатлаш суриштирувчининг ёки терговчининг қарори бўйича прокурор розилиги билан ёхуд бу тергов ҳаракатини бажаришни тергов органига топширишга ҳақли бўлган суднинг ажрими бўйича амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда хатлаш прокурорнинг розилигисиз ҳам амалга оширилиши мумкин, лекин кейинчалик йигирма тўрт соат ичида прокурор қарор ва баённома нусхаси илова қилинган ҳолда хабардор қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчининг ёки терговчининг прокурорга юборилган хабарномасида асослантирилиши лозим. Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор қарорида ёки суд ўз ажримида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туришни ифодаловчи хатлаш процессуал чорасини амалга оширган, тўхтатиш ноқонуний бўлиб, мансабдор шахс тўхтатишни ноқонуний эканини билган холда шундай қарор қабул қилган бўлса, бу турдаги қарор учун жавобгарликка тортилади. Шунингдек, хўжалик ва фуқаролик судлари ҳал қилув қарорини ижросини қийинлаштириши ёки бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин бўлса, судлов ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида даъвони таъминлаш чораларини қўллаши мумкин. Шу ўринда, мансабдор



шахснинг қарор қабул қилиш жараёнида ўз ҳаракатларини ноқонуний эканини била туриб, ҳаракат қилгани қилмишни малакалашнинг асосий шарти хисобланади.

Юқорида келтирилган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришнинг қонуний тартибидан бошқа ҳар қандай тўхтатиб туриш ноқонуний деб баҳоланади ҳамда қонунга хилоф равишда тўхтатиб турган айбдор шахсларни маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноят кодексининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлик жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи айрим моддалари диспозициясида шахсни жавобгарликка тортиш учун унга нисбатан муқаддам маъмурий жазо қўлланилган бўлиши шартлиги назарда тутилган. Бунда, МЖтКнинг 37-моддасида белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиниши зарур.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрсидаги кодекснинг $241^3$-моддасига асосантадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур жиноят **субъектив томондан** қасддан, хусусан, айбнинг тўғри ёки эгри қасд шаклида содир этилади. Яъни, айбдор тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳамда тадбиркорлик субъектлари банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб турганлигини англайди, билади ва буни хоҳлайди ёки бунга онгли равишда йўл қўяди.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди.

Жиноятнинг **субъекти**тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳамда тадбиркорлик субъектлари банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнитўхтатиб туришга ваколатли давлат органининг **хизматчиси** ёки **мансабдор шахси** бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимига асосан, "**Мансабдор шахс** деганда, доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи,

маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс" тушунилади.

**Давлат иштирокидаги ташкилот** деганда, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган ташкилот, тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил этилган ёхуд таъсис этилган нотижорат ташкилоти тушунилади.

**Хизматчи** деганда, давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотида меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилади.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига асосан, ўша ҳаракатлар

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ишларини кўришда юридик шахс ташкил этган ҳолда бундай фаолият билан шуғулланаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари раҳбарларининг ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ЖКнинг иқтисодиёт асослари ва хўжалик соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи бобларидаги моддалар диспозицияси билан қамраб олинса, қўшимча равишда мансабдорлик жиноятлари билан квалификация қилинмаслигини назарда тутишлари керак.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, маъмурий преюдиция талаб этилмайди. Яъни бундай ҳолатда қилмиш тўғридан-тўғри Жиноят кодекси $192^3$-моддаси иккинчи қисми, "а" банди билан квалификация қилинади.

Худди шунингдек, қилмиш бир гуруҳ шахслар манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, қилмиш $192^3$-моддаси иккинчи қисми, "б" банди билан квалификация қилинади. Ушбу ҳолатда ҳам маъмурий преюдиция талаб этилмайди.

Хулоса ўрнида қайд этиш ўринлики, Жиноят кодексида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш учун жавобгарликнинг белгилаб қўйилиши мамлакатимизда хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.



**Ш.Хамрақулов**[*]

## Меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида хусусий тадбиркорлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида айтилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Конституциянинг ушбу нормаси Ўзбекистон Республикасининг кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунлари шулар жумласидандир.

Мамалакатимизда ёшларга оид амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий мақсади ёшларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, иқтидорли ёшларни шакллантириш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларга зарур шароитлар яратиш, ёшларни фойдали касб-ҳунарга йўналтириш ва иш билан таъминлашдир.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан 2015 йил 1 декабрь ҳолатига тақдим қилинган тезкор маълумотларга кўра, **411,1** минг нафар (85,2%) коллеж битирувчиларининг иш билан бандлиги таъминланган, шундан **248,1** минг нафари корхона ва ташкилотларга бириктирилган,
**228,5** минг нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган.[*]

Ушбу кўрсаткични янада ошириш, ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлаш борасида давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратилиб, ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун давлатимиз томонидан улкан имкониятлар яратилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида аҳолини, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бунга яққол мисолдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

[*] ТДЮУ "Меҳнат ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси
[*] http://mehnat.uz сайт маълумотлари 2015 й.

келгусида ўз меҳнат фаолиятларини давлатимизнинг қайси жабҳасида, давом эттиришидан қатъи назар уларнинг иш стажларини ҳисоблашда албатта асосий ҳужжат вазифасини ўтайди.

Қолаверса, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш ва тегишли тармоқ соҳалари бўйича ёш мутахассисларни етказиб беришда шубҳасиз муҳим бўғинни – ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари эгаллашини инобатга олиб, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига:

замонавий техника, технологияларни эгаллаган, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат мазмун-моҳиятини тушунган, ўз ишини севадиган малакали педагог ходимларни жалб қилиш;

у ерда ўқитиладиган "Тадбиркорлик ва бизнес асослари" фани орқали ушбу соҳага ўқувчи-ёшларни янада қизиқтириш;

ўқув машғулотлари учун зарур бўладиган ҳужжатларнинг намуналарини тўлдириш ва тақдим этиш йўли билан назарий билимни амалиёт билан уйғунлаштириш;

меҳнат шартномаси тузиш кўникмаларини ошириш;

улар учун замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлар, ўқув-методик материаллар яратиш;

"тенгдош-тенгдошга ўрнак" лойиҳалари ишлаб чиқиш ва ёш тадбиркорларни (белгиланган фаолият туридан қатъи назар) ўқув машғулот (мастер класс)ларига жалб қилиш;

ўз бизнес фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган битирувчиларга ва уларнинг ота-оналарига давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида батафсил ахборот бериш лозимлигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Зеро, назарий ва амалий билим, таълим ва тарбия каби инсоннинг ажралмас икки қанотидир. Қолаверса меҳнат билан банд бўлиш нафақат ёшлар келажагини таъминлашда, балки юрт равнақида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

**В. Суннатов***

## Рақобатга қарши ҳаракатлар учун жавобгарлик масалалари

Рақобатга қарши ҳаракатларни амалга ошириш иқтисодиётни ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнини секинлаштириб юборади, давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказади. Бунга йўл қўймаслик ёки уни олдини олишнинг самарали усулларидан бири, бундай фаолиятни юритганлик учун жавобгарликнинг белгилаб

* ТДЮУ «Жиноят ҳуқуқи ва криминология" кафедраси ўқитувчиси



қўйилишидир. Мазкур фаолиятга йўл қўймаслик учун юридик жавобгарликнинг барча турларидан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам ушбу фаолиятни амалга оширилиши фукаролик ҳуқукий, молиявий, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликларга тортилиш учун асос бўлади.

Янги таҳрирдаги "Рақобат тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасига биноан, юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, якка тартибдаги тадбиркорлар хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган келишиб олинган ҳаракатлари ва битимлари учун, шунингдек товар ёки молия бозоридаги устун мавкени суиистеъмол қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ҳамда бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш бўйича битимлар тузишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини тугатиш ҳақидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик, танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади. Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги хўжалик юритувчи субъектни монополияга қарши органнинг қарорини (кўрсатмасини) бажариш ёки рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди. Рақобатни чекловчи ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйиб бўлмайдиган битимлар тузганлиги ҳамда келишиб олинган ҳаракатлар содир этганлиги ҳақида монополияга қарши органга биринчи бўлиб ихтиёрий равишда маълум қилган шахс маъмурий жавобгарликдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасига биноан, хўжалик суди 13 турдаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида келиб чиқадиган низолар ва ўзининг ваколат доирасига киритилган бошқа низоларни ҳал қилиш ваколати кўрсатиб ўтилган. Шу жумладан рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ваколати ҳам бевосита хўжалик судлари ссудловига тегишли бўлиб ҳисобланади.

Мазкур низоларни кўриб чиқишда ваколатли орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари ҳисобланади. Ушбу органнинг фаолият асослари "Рақобат тўғрисида", "Табиий монополиялар тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқукларини

ҳимоя қилиш тўғрисида", "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган "Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги низом билан тартибга солинади.

Монополияга қарши орган ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек жисмоний шахслар томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида иш қўзғайди ва уларни кўриб чиқади. Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ амалга оширилади*.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 178-моддасида ўз ифодасини топган. Мазкур нормага биноан, монополияга қарши органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот тақдим этмаслик ёки ўз вақтида ахборот тақдим этмаслик ёхуд уларга била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш белгиланган тартибда жавобгарликка олиб келишига сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Молиявий жавобгарликка хўжалик юритувчи субъект тортилса, маъмурий жавобгарликка хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси тортилади.

Бундан ташқари мазкур нормада монополияга қарши органнинг қоидабузарликни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик шунингдек акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкий ҳуқуқларни олишда монополияга қарши талабларни бузиш каби ҳуқуқбузарликларга маъмурий жазо қўлланилиши кўрсатиб ўтилган.

Келтириб ўтилган ҳуқубузарликларга маъмурий жавобгарлик қўлланилгандан сўнг содир этилиши жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 183-моддасида акс эттирилган. Мазкур жиноятни содир этган айбдор

* Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида Низом (низом номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 майдаги 143-сонли қарори таҳририда —ЎР ҚҲТ, 2012 й., 21-сон, 232-модда)



шахснинг жаримага тортилиши, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиши ёки аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 183-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборот бермасликдан ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим қилишдан иборат бўлади.

Мазкур жиноят юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси*, шунингдек, унинг ҳудудий органлари томонидан қилмиш маъмурий жазога тортилган бўлиши керак. Айнан қўмита бўлинмалари ва қўмитанинг ўзи бир бутунликда монополияга қарши фаолият олиб боришга ваколатли орган сифатида қабул қилинади. Шу сабабли ахборот бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, била туриб, бошқа давлат органларига тақдим қилиш монополияга қарши қонунчиликни бузиш сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Комиссияси ёки уларнинг ҳудудий органлари томонидан монополияга қарши қонунчиликни бузганлик тўғрисидаги ишларни тайёрлаш ва кўриш учун талаб этиладиган, шунингдек, унинг қарор ва йўриқномаларини ижро этиш учун зарур бўладиган маълумотлар. Жавобгар шахслар нафақат керакли ҳужжатларни тақдим этиши, балки зарур ҳолларда ўзлари суҳбатларга келиб, ёзма тушунтириш беришлари лозим.

Шу ўринда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш зарурки, монополияга қарши органлар томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар фақат монополия фаолиятини амалга ошириш ёки монополия фаолиятини амалга ошириш еҳтимоли мавжудлиги билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлади, бундай масалаларга тегишли бўлмаган ҳужжатларни ушбу органлар талаб қилиши мумкин эмас. Акс ҳолда ҳокимият ваколатларини очиқчасига суиистеъмол қилиш сифатида айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш лозим бўлади.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда масъул шахснинг мустақил равишда ёки монополияга қарши курашувчи органнинг талаби билан тақдим этиши лозим бўлган ҳужжатларни монополияга қарши курашувчи органларга тақдим этмаслиги маълумотларни тақдим этмаслик деб тан олиниши лозим.

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда.

Шахсни Жиноят кодексининг 183-моддасининг 1-қисми билан жавобгар қилиш учун у худди шундай қилмишни содир этганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши керак.

"Рақобат тўғрисидаги" қонуннинг 37-моддасида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши таъкидлаб ўтилган. Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузган тақдирда: етказилган зарарнинг ўрнини қоплашлари, жарима, пеня тўлашлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Жиноят кодексининг 183-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят субъектив томондан қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин. Била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотни тақдим этиш фақатгина тўғри қасд билан содир этилади. Ушбу жиноятни содир этиш мақсад ва мотивлари турли хил бўлиши мумкин. Бу нафақат бозорда монополистик ҳолатни ўрнатиш, балки шахсий бойишга қаратилган қасд манфаатлари ҳам бўлиши мумкин. Қилмишни содир этиш мақсад ва мотивлари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, лекин жазо тайинлашда суд томонидан инобатга олиниши мумкин.

Агар рақобат тўғрисидаги қонунчиликни бузиш давлат органининг мансабдор шахси томонидан содир этилган бўлса (масалан, устав фондининг 35 фоиз акциясини (улушини) сотиб олганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этмаслик), ишнинг мавжуд ҳолатларидан келиб чиқиб унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 183-моддаси ва 205, 207-моддалари ёки ЖК 208-моддаси бўйича квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 183-моддаси 2-қисми монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг қонунбузарликни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармасликда ифодаланади.

"Рақобат тўғрисида"ги қонунда монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида монополияга қарши давлат органи томонидан иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш асослари кўрсатилган.

Агар текшириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф етилмаганлиги ёки бартараф етиш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги аниқланса, кўрсатма бажарилмаган ҳисобланади.

Кўрсатма қуйидаги ҳолларда қисман бажарилмаган ҳисобланади:

кўрсатмага мувофиқ бартараф этилиши керак бўлган барча қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф етилмаганда;



кўрсатмада назарда тутилган барча хўжалик юритувчи субъектлар ва органларга нисбатан қонун ҳужжатлари бузилишлари бартараф етилмаганда.

Кўрсатмалар ўз вақтида бажарилмаган деганда, кўрсатманинг унда кўрсатилган муддатни бузган ҳолда бажарилиши тушунилади*.

Кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш деганда, кўрсатманинг субъект томонидан бажарилмаганлиги ёки қисман бажарилмаганлиги тушунилади†. Кўрсатмаларни бажармаслик кўрсатмаларни бажаришдан бош тортишдан қуйидагилар билан фарқ қилади. Биринчиси, фақат еҳтиётсизлик орқасидан содир этилади, иккинчиси эса, тўғри қасд билан содир этишда ифодаланадиган ҳаракатсизликдир. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, агар қонун билан белгиланган ижро етиш муддати ўтиб кетган бўлса-да, кўрсатилган талаблардан бирортаси ҳам бажарилмаётган тақдирда кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш деб топиши лозим.

Монополияга қарши кўрашувчи органнинг талаблари ва бошқа қонуний кўрсатмаларини бажармаслик ёки бажаришдан бош тортиш актив шакл (кўрсатмани қабул қилмаслик, адресини ўзгартириш ва ҳоказо)да ёхуд пассив шакл (кўрсатмада кўрсатилган қонунбузарликларни бартараф етиш чораларини кўрмаслик)да ифодаланиши мумкин. Бироқ бажармаслик ва бажаришдан бош тортиш шакллари қилмишни квалификация қилишга таъсир этмайди.

Жиноят кодексининг 183-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ушбу қисмнинг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан биттаси содир этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган деб топилади. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш жинояти қасддан содир этилади. Унинг мотив ва мақсади жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини монополияга қарши органнинг қарор (кўрсатма)ларини бажармаслик ёки бажаришдан бўйин товлаш шаклида бузиш ҳаракатлари маъмурий преюдиция мавжуд бўлганда ижтимоий хавфли ҳисобланади.

---

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган "Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низом, 4-бўлим. 28-банд, 6,7,9-қисмлар.

† Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 октябрдаги 225-сонли қарори билан тасдиқланган "Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Низом, 4-бўлим, 28-банд, 8-қисм.

**Р.Алтиев**[*]

## Хўжалик процессида апелляция тартибида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, адолатли суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи, қонун устунлиги демократиянинг муҳим элементлари ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлди.

Амалга оширилган кенг қамровлиислоҳотлар натижасида тарихан қисқа вақт ичида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасида, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасида чуқур ўзгаришлар юз берди.

Апелляция инстанциясида иш юритиш билан суд ҳужжатларини қайта кўриш босқичи бошланади. “Апелляция” сўзи лотинча сўз бўлиб – “мурожаат этиш” деган маънони англатади. Апелляция инстанцияси суд ҳужжатларини қайта кўрувчи инстанция сифатида биринчи маротаба 1997 йил қабул қилинган Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ киритилган. Унда иш биринчи инстанция суди томонидан кўриб ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протест) беришга ҳақлидирлар.

Апелляция шикояти субъектлари сифатида ишда иштирок этувчи шахслар- тарафлар, низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар,низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан чиқмайдиган учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ва ҳуқуқий ворислари, давлат органлари ва бошқа идоралар,прокурор, шунингдек ишда қатнашмаган, бироқ уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан суд қарори чиқарилган шахслар қатнашадилар.

Апелляция шикоятининг объекти сифатида фақат биринчи инстанция хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ҳисобланади.

Хўжалик процессуал қонунчилик хўжалик судининг тўлиқ ҳал қилув қароригагина эмас, балки қарорнинг бир қисмига нисбатан ҳам апелляция шикояти келтирилиши мумкинлигини белгилайди (масалан, қарорнинг

[*] ТДЮУ «Жиноят ҳуқуқи ва криминология” кафедраси ўқитувчиси



хулоса қисмида суд харажатларининг тарафлар ўртасида тақсимланиши ҳақидаги қарорнинг ўзига).

Шундай қилиб апелляция инстанциясида иш юритиш деб, биринчи инстанция суди томонидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорини тарафлардан бирининг ёки ишдан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг шикоятлари асосида қайта кўрилиши тушунилади.

Апелляция шикояти ҳал қилув қарорини қабул қилган биринчи инстанция хўжалик судининг апелляция инстанциясига берилади. Апелляция шикояти худди шу Тошкент шаҳар хўжалик судининг ўзига тақдим этилади ва шу суд томонидан кўрилади. Бироқ, бунда судьялар таркиби бошқа бўлиши керак, яъни илгари ишни кўрган судья апелляция инстанциясига киритилмайди.

Апелляция инстанциясида биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорини қонуний ва асослилиги коллегиал тарзда текширилади. Бунда суднинг таркибига уч ёки бошқа тоқ сонли судьялар киритилади, улар суд раиси томонидан белгиланади.

ХПКнинг 156-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судига апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эгадирлар. ХПКнинг 170-моддаси 2-қисми 4-бандида назарда тутилганидек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар ҳам шундай ҳуқуққа эгадирлар, башарти, хўжалик суди уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган холатларда. Бундай ҳолларда кўрсатилган шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар, шу жумладан, улар апелляция инстанциясида иш кўрилаётганда иштирок этиш, илтимосномалар бериш, иш ҳужжатлари билан танишиш, далиллар тақдим қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, кўрсатилган ҳуқуқдан юридик шахс бўлмаган ташкилот ҳам башарти, у биринчи инстанция судида даъвогар (жавобгар) сифатида қатнашган бўлсафойдаланади,.

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган актлари (ҳал қилув қарори, ажримлари) устидан апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга бўладилар. ХПК 39-моддасига асосан қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқига тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислари ҳам эга бўладилар. Кўрсатилган шахслардан ҳар бири процесснинг бошқа қатнашчиларидан мустақил ҳолда апелляция шикояти билан мурожат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шундай қилиб, апелляция шикояти берувчи шахслар сифатида ишда иштирок этувчи шахслар: тарафлар, даъво предметига нисбатан мустақил даъво билан қатнашмайдиган учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ва ҳуқуқий ворислари, давлат ва бошқа органлар, проку-рор, шунингдек,

ишга жалб этилмаган, лекин уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан суд қарор чиқарган шахслар эътироф этилади.

Апелляция шикояти бериш ҳуқуқига ишда иштирок этувчи шахс сифатида қатнашмайдиган шахслар (гувоҳ, эксперт, таржимон ва бошқалар) эга бўлмайдилар. Апелляция шикоятининг объекти бўлиб биринчи инстанция судининг актлари ҳисобланиши мумкин, шунингдек, давлат органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатлари ҳам ушбу объект доирасига киради.

Шикоят таритибида кўриб чиқиладиган суд ҳужжатлари қаторига дарҳол қонуний кучга кирадиган қарорлар киритилмайди. ХПК бундай қарорлар қаторига фақаттина кассация тартибида (назорат тартибида) қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлган, шунингндек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди қарорларини назарда тутади.

Умумий қоидаги кўра, апелляция шикояти хўжалик суднинг бутун ҳал қилув қарорига эмас, балки унинг қарор қисми ва ундаги ҳаражатларни тарафлар ўртасида тақсимлаш, қарорларни ижро этиш тартиби ва муддати кабиларга нисбатан берилиши мумкин. Шунинг-дек, шикоят беришнинг мустақил предмети сифатида қарорнинг асослантирувчи қисмини ҳам кўрсатиш мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахслар ХПК 149-моддасига асосан чиқарилган қўшимча ҳал қилув қарорига нисбатан ҳам апелляция шикояти беришлари мумкин.

Апелляция шикояти хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилганидан кейин бир ой ичида берилади. Бир ойлик муддатнинг ўтиши ҳал қилув қарори чиқарилган куннинг эртасидан бошлаб ўта бошлайди. Ҳал қилув қарори суд тартибида эълон қилинган кун қарор қабул қилинган куни ҳисобланади.

Апелляция инстанциясида иш юритиш хўжалик процессуал қонунчилигида янги институт ҳисобланади, бу қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарори устидан бериладиган шикоятдир. Апелляция шикоятини беришдан асосий мақсад - биринци инстанцияда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишдир.

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўрганида ишда мавжуд ва қўшимча тақдим этилган далиллар бўйича ишни қайта кўради. Агар аризачи қўшимча далилларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра биринчи инстанция судига тақдим этиш имкониятига эга бўлмаганлигини асосласа, хўжалик суди қўшимча далилларни қабул қилади.

Суд апелляция шикоятида баён этилган важлар билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда текширади.

Апелляция шикояти ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилганда, хусусан ишда



иштирок этмаган, биринчи инстанция суди унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилмаган шахс томонидан ёки апелляция тартибида шикоят қилишга тегишли бўлмаган ҳал қилув қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори) ёхуд ХПКда назарда тутилган шикоят қилиниши мумкин бўлмаган ажрим устидан берилганда, судья ХПКнинг 117-моддаси 1-қисми 1-бандини қўллаб, апелляция шикоятини қабул қилишни рад этади.

ХПКнинг 149-моддасида белгиланган асослар бўйича биринчи инстанция суди томонидан қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш ёки ХПКнинг 150-моддасига кўра ҳал қилув қарорига тушунтириш бериш, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар, ҳисоб-китобдаги арифметик хатоларни тузатиш йўли билан ҳал қилув қароридаги камчиликлар бартараф қилинган ҳолларда ҳам апелляция шикоятини қабул қилиш рад қилиниши мумкин.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмига мувофиқ, судьянинг якка ўзи мазкур-моддада назарда тутилган асосларга кўра апелляция шикоятини қайтаради.

ХПКнинг 162-моддаси 2 қисмига кўра апелляция шикоятини қайтариш ҳақида ажрим чиқарилади. Судья апелляция шикоятини устхат ёзиб ёки қонунда кўзда тутилмаган бошқа усуллар билан қайтаришга ҳақли эмасдир.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмининг 1, 2, 3-бандларига кўра шикоятни қайтариш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг у яна умумий тартибда берилиши мумкин.

Апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги ажрим чиқарилгандан кейин ХПКнинг 153-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахсларга беш кунлик муддатда маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки ўша муддатда тилхат олиб топширилади.

ХПКнинг 162-моддаси 1-қисмининг 2, 3-бандларида кўзда тутилган апелляция шикоятини қайтариш ҳақидаги асослар апелляция инстанцияси суди томонидан апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилингандан сўнг аниқланган ҳолларда, иш апелляция инстанциясида мазмунан кўриб чиқилиши лозим. Бундай ҳолда хўжалик суди шикоят берган шахсдан ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга нусха юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилади, давлат божи суммаси эса ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилишда тегишли тарафдан ундирилади.

Биринчи инстанция судида иштирок этган вакил, шу жумладан, адвокат, суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини, агарда ХПКнинг 52-моддасида кўрсатилган тартибда вакил қилинган шахсга берилган ишончномада бундай процессуал ҳаракатни амалга ошириш кўрсатилган бўлса имзолашга ҳақли. Агарда апелляция

шикояти иш юритишга қабул қилинганидан сўнг шикоятга имзо қўйган шахсни имзо қўйиш ҳуқуқи борлигига шубҳа туғилса, аризачига тегишли далилларни тақдим этиш таклиф этилади. Тегишли далиллар тақдим этилмаганида ХПКни 88-моддаси 3-бандини қўллаб, шикоят кўрмасдан қолдирилади.

ХПКнинг 158-моддасига мувофиқ апелляция шикояти хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин бир ой ичида берилади. Шикоят қилиш муддатининг ўтиши ҳал қилув қарори қабул қилинган ва эълон қилинган вақтдан кейинги кундан бошланади. Апелляция шикоятини бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолда суд шикоят берган шахснинг илтимосига кўра муддатни тиклаши мумкин.

Апелляция шикоятини бериш муддати ўтказилганлиги туфайли қайтарилган бўлса, у ўтказиб юборилган муддатни тиклашни сўраб илтимоснома билан бирга такроран берилиши мумкин.

Шикоят бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимоснома ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокисиз судьянинг якка ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Ўтказиб юборилган апелляция шикоятини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномани кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги бу ажримда шикоятни иш юритишга қабул қилиш билан бир вақтда башарти апелляция инстанциясида иш кўрилгунга қадар ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ҳақидаги тегишли илтимоснома бўлса, унинг натижалари ҳам кўрсатилиши мумкин.

ХПКнинг 164-моддасига мувофиқ апелляция инстанциясида ишни кўриш ХПКнинг 21-бобида назарда туғилган асосларда биринчи инстанция хўжалик судида ишни кўриш қоидалари бўйича кўрилади. Бунда фақатгина биринчи инстанция суди учун белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

Хусусан, апелляция инстанциясида даъвогар ХПКнинг 40-моддасида кўзда тутилган даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳақидаги ўз ҳуқуқларини амалга ошираолмайди. Жавобгар апелляция инстанциясида қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанцияда ишни кўришда тақдим қилинмаган янги талабларни қабул қилишга ёки кўришга, шунингдек, ишга иштирок этишга бошқа жавобгарни жалб қилиш ёки шахсни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилиш ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштиришга ҳақли эмас. Бундан ташқари, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи, шунингдек, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган



учинчи шахслар ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин эмас ва даъво талабларини бирлаштириш ҳақидаги қоидалар ҳам амал қилмайди.

Апелляция шикоятини берган шахс ХПКнинг 165-моддасига мувофиқ, қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли. Суд ХПКнинг 40-моддаси 4-қисмида назарда тутилган асослар бўйича даъводан воз кечишни рад этишга ва ишни апелляция тартибида кўриб чиқишга ҳақли.

Агарда ҳал қилув қарори бошқа шахслар томонидан шикоят қилинмаган бўлса, апелляция шикоятидан воз кечишни қабул қилиш апелляция инстанциясида иш юритишни тугатишга олиб келади.

ХПКнинг 166-моддаси 1-қисмига мувофиқ хўжалик суди апелляция инстанциясида ишда мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим этилган далиллар билан ишни қайта кўради.

Қўшимча далилларни қабул қилиш ҳақидаги масала ҳал этилаётганда биринчи инстанция судида мазкур далилларни тақдим қилмаганлик сабаблари, апелляция инстанцияси судига уларни тақдим қилишнинг зарурлиги, шунингдек, низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга далилларнинг боғлиқлиги ҳақидаги арз қилувчининг тушунтиришлари эътиборга олинади. Агарда манфаатдор шахс биринчи инстанция судида ўзини нолойиқ тутганлиги ва мажлисни чўзиш мақсадида мазкур далилларни тақдим қилмаганлиги аниқланса, қўшимча далиллар апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинмаслиги мумкин.

Апелляция шикоятига эътирозномани асослаш учун тақдим этилган қўшимча далиллар хўжалик суди апелляция инстанцияси томонидан ХПКнинг 166-моддаси 1-кисмида кўзда тутилган қоидалар бўйича қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

Апелляция инстанциясида ишларни кўришда судлар қонун бўйича қуйидагиларни аниқлашлари лозим: биринчи инстанция суди томонидан иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланганлигини; суд аниқланган деб топган ҳолатларнинг исботланганлигини; суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалари иш ҳолатларига мувофиқлигини; процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини бузилмаганлигини; мазкур нормалар тўғри қўлланилганлигини.

Апелляция инстанцияси суднинг ҳал қилув қарорини қонунийлиги ва асослилигини ишдаги мавжуд ҳамда ишни кўришдан олдин ёки кўриш вақтида ишда иштирок этувчи тарафлар ва бошқа шахслар томонидан тақдим қилинган, шунингдек, апелляция инстанцияси суди томонидан ишда иштирок этувчи ва бошқа шахсларнинг илтимосномаларига кўра талаб қилиб олинган қўшимча материаллар бўйича текширади.

ХПКнинг 166-моддаси 2-қисмига мувофиқ хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўрганида апелляция шикоятида баён этилган

важлар билан чекланиб қолмайди ва ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослантирилганлигини тўла ҳажмда текширишга мажбур, бу тартиб ҳал қилув қарорига шикоят қилмаган ва шикоят қилган шахсларга нисбатан ҳам тааллуқли. Чунончи, суд шикоятнинг важлари билан чекланиб қолмайди, уни кўриш натижалари бўйича арз қилувчи сўраганидан ўзгача ҳал қилув қарорини қабул қилишга ҳақли. Шу сабабли, апелляция шикоятида процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги кўрсатилган кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, ХПКнинг 169-моддасида кўзда тутилган асослар мавжуд бўлганда апелляция инстанцияси ҳал қилув қарорини бекор қилади.

Хўжалик судининг апелляция инстанцияси ХПКнинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қоидаларини қўллайди. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, ХПКнинг 82-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида хўжалик суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур, ХПКнинг 83-моддасида қайд этилган асослар мавжуд бўлганида эса иш юритишни тўхтатиб туриш хўжалик суди томонидан ишни аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб ҳал этилади. ХПКнинг 82-моддасини 1 қисмини 1-бандини қўллашда, жиноий судлов ишларини юритиш деганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида белгиланган жиноят процессини барча босқичлари тушунилиши лозим.

Апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришда, қарорда шикоят важлари нотўғри эканлигини тасдиқловчи ёки ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлолмаслигининг сабаблари кўрсатилади. Апелляция инстанциясини қарори ХПКнинг 150-моддасида кўрсатилган тартибда тушунтирилиши, ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва арифметик ҳисоблашдаги янглишишлар тузатилиши мумкин.

Апелляция инстанцияси суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўзининг ташаббуси билан агарда у биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилган бўлса, қўшимча қарор қабул қилишга ҳақлидир. Қўшимча қарор апелляция инстанциясида ХПКнинг 149-моддасини 1-қисмини 2, 3-бандларида ва ХПКнинг 149-моддасини 3-қисмида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганида қабул қилиниши мумкин. Қўшимча қарор қабул қилиш рад этилганида ажрим чиқарилади ва ушбу ажрим устидан ХПКнинг 149-моддаси 5-қисмига биноан кассация тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг мажлисида ва суд мажлисидан ташқарида алоҳида процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади. Баённома мазмунига, уни олиб бориш ва имзолаш, шу билан бирга, уни тақдим этиш ва баённомага билдирилган эътирозларини кўриб чиқишда ХПКнинг 34-моддасида белгиланган қоидалар қўлланилади.



Ишда хўжалик суди апелляция инстанциясининг баённомасини мавжуд эмаслиги ёки уни ХПКнинг 134-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан имзоланмаганлиги ХПКнинг 188-моддаси 3-қисми 8-бандига кўра апелляция инстанцияси қарорини сўзсиз бекор қилиш учун асос бўлади.

ХПКнинг 217-моддасига кўра апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилишда, ўзи чиқарган янги қарорнинг ижросини кечиктириш ва ижро этишни узайтириш масаласини ҳал этишга ҳақли.

Бошқа ҳолатларда қарорни ижросини кечиктириш ёки уни узайтириш, ижро этиш усулини ва тартибини ўзгартириш биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур апелляция институтиҳал қилув қарор ва ажримларнинг қонуний, асосли ва адолатлилигинитаъминлаш, хўжалик ишларини кўриб чиқиш чоғида йўл қўйилган хато ва камчиликларни қисқа вақт ичида бартараф этиш,процесс иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ғоятда муҳим аҳамият касб этаётгани билан алоҳидаэътиборга молик.

**А.Ибрагимова,**
**Тадбиркорлик ҳуқуқи (Бизнес) ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси**

## Инвестиция фаолиятида айрим хорижий давлатлар тажрибаси юзасидан мулоҳазалар

Инвестицион муносабатларни ривожлантириш, иқтисодиётга давлат томонидан инвестициялар, жумладан, хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш ҳар томонлама манфаатли бўлган жараёндир.

Айникса, бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда ундаги ижобий ҳолатларни ўз қонунчилигимизга имплементация қилиш ривожланган давлатлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси мамлакатга хорижий капиталнн жалб этиш бўйича фаол сиёсат олиб бориб, инвестиция жараёнини бошқариш тактикаси ва стратегиясини ривожлантириб, инвестиция фаолиятида ўз тажрибасини бойитиб келмоқда. Шунингдек, бу борада давлатнинг тартибга солиш фунцияси масаласида ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу жиҳатдан, ҳам англо-саксон, ҳам роман-герман тизимидаги давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида бир қатор давлатларнинг тажрибасини қисман тадқиқ этишни мақсад қилдик.

14. Корпоратив бошқариш муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни аниқ мақсадли йўналтириш, бу соҳага иқтидорли ёшларни жалб қилиш (битирув малакавий ишлар, магистрлик ва докторлик диссертациялари мавзуларини ишлаб чиқиш ва тадқиқотлар олиб бориш), шунингдек корпоратив ташкилотлар билан хўжалик шартномалари асосида инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

15. Ушбу соҳада турли халқаро тадбирлар ўтказишни янада кучайтириш. Жумладан, бу каби тадбирларга Германия ҳамда бошқа иқтисодий ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасаларини, Қимматли қоғозлар комиссияси халқаро ташкилоти (IOSCO), Корея фонд бозори билан ҳамкорликда 2016 йил 4-чорагидан бошлаб жорий этилиши кутилаётган республика фонд бозорида замонавий Ягона дастурий-техник комплекс сабаб ушбу тадбирга Корея фонд бозори вакилларини ҳам жалб этиш;

16. Республика миқёсидаги тадбирларга аввалambор юртимизда муваффақиятли фаолият олиб бораётган хорижий инвестиция иштирокидаги АЖ, МЧЖ, Холдинглар раҳбар ходимларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 мартдаги ПҚ-2327-сонли қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси масъул ходимлари, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази, "Тошкент" Республика фонд биржаси, Олий хўжалик суди, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази масъул ходимларини жалб этиш ва улар иштирокида Олий таълим муассасаларида турли тадбирлар ва мастер класслар ташкиллаштириш.

17. Бу каби конференция, семинар ва давра суҳбатларини кенг тарзда "Корпоратив янгиликлар" каби радио ва телекўрсатувлар, www.open-info.uz каби интернет тармоқларида ва бошқа оммвий ахборот воситаларида ёритиш зарур.

18. Юқорида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар республикамизда корпоратив бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожланишига, Ўзбекистонда корпорацияларнинг иқтисодий барқарорлашиши асосида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига хизмат қилади ҳамда корпоратив бошқарувни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асосларни ривожлан-тиришга хизмат қилади.



# МУНДАРИЖА

## I БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**Е.Каньязов** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув: миллий ва хорижий тажриба ............ 5

**О.Окюлов, Ш.Рўзиназаров.** Акция – бойлик, акциядорлар эса корпоратив бошқариш тизимида асосий иштирокчи бўлмоғи лозим ........ 8

**С.Гулямов.** Проблемы корпоративного управления и перспективы развития законодательства Узбекистана ............ 15

**З.Ярашов.** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси ............ 23

**Н.Худояров.** Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатлари: қонунчилик ва суд амалиёти ............ 27

**Н.Хамрахуджаев.** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этишнинг иқтисодий аҳамияти ва хорижий тажриба ............ 38

**Ш.Рузиназаров.** Корпоратив бошқарув органлари: замонавий цивилистик ҳуқуқий ёндашув ............ 46

**M.Berdikulov, KH. Jobborov.** Legal regulation of competition: comparative analyze ............ 58

**Н.Имомов.** Мулкнинг алоҳида кўриниши сифатида "корпоратив мулк"нинг моҳиятига оид айрим мулоҳазалар ............ 61

**И.Насриев.** Корпоратив ҳуқуқий муносабатлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг таркибий қисмидир ............ 64

**В.Файзуллаев.** Германияда корпоратив бошқарув кадрлари таъминотининг хусусиятлари ............ 68

**U.Saydakhmedov.** Corporate governance in joint stock companies of Uzbekistan (the experience of Japan and Germany): comparative legal analysis ............ 73

**М.Нуралиев.** Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ... 78

**З.Ашуров.** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг шаффофлик тамойилини таъминлаш ва ривожлантириш масалалари ... 86

**M.Berdikulov.** What is a Corporate Governance: an overview of Corporate Governance? ........ 93
**У.Сайдахмедов, Ж.А.Аллабердиев.** Банклар фаолиятида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалалари ........ 95
**U.Sharipova F.Amanov** The role of Securities Market in the Privatization process and improvement of corporate governance ........ 102
**К.Ҳакимов** Акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузганлик учун корпоратив жавобгарлик ........ 105
**Б.Худайбергенов.** Банкротлик ишида корпоратив бошқарувни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ........ 108
**А.Жумагулов** Кузатув кенгаши аъзолари фаолиятини шартномавий асосда ташкил этиш масалалари ........ 112
**А.Алланова** правовой анализ законодательства зарубежных стран касательно корпоративного управления ........ 114
**M.Kurbanov**, **U.Kholmirzaev** Some aspects of improving of protection of minority shareholder`s rights and interests: developed countries experience and implementation into legislation of Uzbekistan ........ 120
**К.Ҳакимов, И.Салимова** Акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари ........ 126
**А.Раджапов.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этишнинг айрим масалалари ........ 129
**Э.Ахунджанов.** Акциядорлик жамиятларида жавобгарликни аниқлашнинг ўзига хос хусусиялари ........ 133
**Н.Кўшаев, Ф.Найимов.** Корпоратив низолар вужудга келишининг ҳуқуқий жиҳатлари ........ 138
**М.Юсупов.** Халқаро савдо муносабатларида трансмиллий корпорацияларнинг тутган ўрни ........ 143
**Х.Окюлов.** Юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянувчи тадбиркорлар - замонавий корпоратив бошқаришнинг самарадорлиги ва серқирра ютуқларга эришишини таъминлашнинг муҳим омили ........ 149
**А.Пирмаматов.** Корпоратив ҳуқуқ субъектлари таъсис ҳужжатларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ........ 152
**D.Qodirov.** The likely costs for owners associated with monitoring managers ........ 155



**А.Тешабоев.** Замонавий корпоратив муносабатлар жараёнида ахборотлардан эркин фойдаланлиш ҳуқуқининг кафолатланиши ........ 159
**Д.Саидолимова.** Корпоратив бошқарувда жавобгарлик масалалари ........ 165
**Ж. Кулизода.** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув кодексини татбиқ этишнинг айрим масалалари ........ 169
**Р.Иргашев.** Корпоратив бошқарув: Ўзбекистонда унинг ҳуқуқий асослари ........ 172
**М.Маҳмудова.** Устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларини бошқариш усуллари ........ 176
**И.Юсупов** Тадбиркорлик кодексини қабул қилишнинг айрим масалалари ........ 183
**Ф.Найимов.** Корпоратив низонинг объекти ва субъектлари ........ 189
**К.Нарзиева.** Акциядорлик жамияти ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш ........ 195
**A.Nigmatov.** Aksiyadorlik jamiyati mulkini transfert baholashning huquqiy jihatlari ........ 197
**J.Otaqulov.** Aksiyalar, dividendlar to'lovi va qimmatli qog'ozlar bozorini rivojlantirishdagi ayrim muammolar va ularni bartaraf etishning tub mexanizmlarini yaratish istiqbollari ........ 199
**А.Рахметов.** Акциядорлик жамияти умумий йиғилиши корпоратив бошқарувнинг юридик воситаси сифатида ........ 204
**М. Азизова.** Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув: тушунча ва асослар ........ 208
**З.Ўринбоева, У.Исмоилов.** Хўжалик жамиятлари таъсисчилари субсидиар жавобгарлиги (корпоратив ва мулкий муносабатлар ракурсида) ........ 212
**Х.Шорахметов.** Корпоратив муносабатларда афилланган шахслар ва улар билан тузиладиган шартномалар ........ 218
**С.Эшкобилов.** Акциядорлик жамиятлари ҳамда МЧЖда йирик битимлар тузишнинг ўзаро нисбати ........ 224
**E.Sheykhmambetova.** Corporate governance and implications for minority shareholders ........ 227

## II БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

**Х.Азизов.** Некоторые вопросы совершенствования деятельности хозяйственных судов ........ 230

**З.Умаров.** Обеспечение защиты прав и законных интересов лиц, участвующих в деле о банкротстве ....................236
**А.Максудов.** Вопросы реализации специального административно-правового режима банкротства в отношении должников ....................240
**С.Иноятуллаев, Х.Сайфуллаев.** Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг замонавий вазифалари ....................247
**А.Эргашев.** Ўзбекистон Республикасида банкротликка оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.................... 254
**Р.Алтиев.** Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб турганлик учун жиноий жавобгарлик ....................261
**Ш.Хамракулов.** Меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида хусусий тадбиркорлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш истиқболлари ....................271
**В.Суннатов.** Рақобатга қарши ҳаракатлар учун жавобгарлик масалалари ....................278
**Р.Алтиев.** Хўжалик процессида апелляция тартибида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ....................284
**А.Ибрагимова** Инвестиция фаолиятида айрим хорижий давлатлар тажрибаси юзасидан мулоҳазалар ....................291
**К.Абдурахматова.** Интеллектуал мулк объектларини патентлаштириш ва уларга ҳуқуқий муҳофаза бериш тартиби....................29
**С.Гаппарова** Хорижий тажрибада чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши....................302
**Ю.Хошимова** Обеспечение гарантий прав иностранных инвесторов в нефтегазовой отрасли и защита их законных интересов в Республике Узбекистан ....................306
**М.Юсупжонова** Низоларни судгача ҳал этиш – фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг ноюрисдикциявий асоси сифатида .....314
**Ш.Ҳаккулов** Риэлторлик фаолиятини амалга ошираётган ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми ....................318
**Б.Тўраев** Электрон битимлар тушунчаси, уларнинг шакли ва ҳуқуқий табиати....................323
**Н.Эшмуротов.** Электрон битимларнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши....................328



**Б.Тўраев.** Ўзбекистонда электрон тижорат фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалалари....................336
**Д.Солиев.** Тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципи амалда......340
**Ю.Сатвалдиева.** Переговоры по заключению договоров 345
**Ш.Нурова.** Эр-хотиннинг умумий мулки ҳуқуқини амалга ошириш .....349
**Г.Кадиров.** Виды валютных рисков в коммерческих контрактах выделяемых в экономически – развитых странах ....................353
**Т.Жуманазаров.** Банкротлик тўғрисидаги ишларда кредиторлар йиғилишининг таркиби....................356
**К.Жумаев.** Гражданско-правовое регулирование правопреемства при реорганизации субъекта предпринимательства ....................362
**А.Жабелов.** Понятиеи роль иностранных инвестиций в Республике Узбекистан ....................369
**М.Жабборов.** Давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишларини бажариш шартномасини тузиш асослари ва тартиби ....................374
**Ш.Гайбердиев.** Халқаро олди-сотди шартномаларини тартибга солишда вена конвенцияси умумий тамойилларининг тутган ўрни........378
**М.Баҳрамова.** Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузишни расмийлаштириш масалалари....................385
**К.Абдурахматова.** Патент ҳуқуқи объектлари ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш муаммолари....................392
**С.Бегматова.** Ўзбекистон Республикасида енгил саноат тармоғида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари....................397
**М.Жабборов.** Қурилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби ....................401